# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 13 MART, PAYSHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№32 (6.557). Sotuvda erkin narhda


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 12 март куни Оқсаройда Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Мария Роблес Фрага Ишонч ёрлиғи топширди.

Шу йил бошида мамлакатимиз раҳбари давлат ташрифи билан Испанияга борган эди. Ушбу сафар асносида икки томонлама муносабатларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қиладиган кўплаб янги келишувларга эришилди. Испания томонидан Ўзбекистонга янги элчининг тайинланиши келишувларни янгича руҳда ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов Испания дипломатик миссияси раҳбарини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади ва келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

Хосе Мария Роблес Фрага самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ҳамкорликда янги сиёсий ва иқтисодий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятида эканлигини маълум қилди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Афғонистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Самаддан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Ҳозир Афғонистон чорак асрлик уруш асоратларини бартараф этишга киришган. Бунда Ўзбекистоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, Кобул-Ҳайратон йўлида ўзбекистонлик кўприксозлар билан ҳамкорликда ҳозиргача тўрт кўприк тикланди. Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами сифатида хориждан афғон халқига юборилаётган юкларни манзилга етказишда ҳам фаол қатнашмоқда.

Абдул Самад Президентга ўз мамлакатининг Ўзбекистондаги илк Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида ишонч ёрлиғини топширишдан фахрланишини айтар экан, Ислом Каримовнинг афғон халқини уруш балосидан ҳимоя қилиш учун йиллар давомида халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу ўлкага қаратиш йўлида амалга оширган хайрли ишлари юксак даражада қадрланишини таъкидлади.

***

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хасим Салех Ишонч ёрлиғи топширди.

Учрашувда Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани, аммо ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар ҳам кам эмаслиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишда Индонезия билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатларимиз ишбилармонлари меҳмонхона бизнеси ва алоқа соҳаларида яхши алоқа ўрнатган.

Президент Ислом Каримов Индонезия элчисига ўз миссиясини бажаришда катта муваффақият тилади.

***

Президент Ислом Каримов Грециянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дмитриос Параскевопулосдан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон-Греция муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида юқори даражали ташрифлар амалга оширилган ва ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори барпо этилган.

Ўзбекистон раҳбари Греция элчисини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлаб, унга мамлакатимиздаги миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Дмитриос Параскевопулос ўз мамлакати Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор беришини таъкидлади. Греция айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётганини айтиб, Ўзбекистон билан ушбу ҳамжамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришни ҳам устувор вазифалардан, деб билишини қайд этди.

(ЎзА)



БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

**Андижон вилоятида плёнка остида чигит экиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Бу юмуш Хўжаобод туманида ҳам намунали ташкил этилмоқда. Чигит экиш ишларида илғор механизатор Маҳмуджон Қорабоевнинг хиссаси катта бўлмоқда.**

**Суратда: механизатор Маҳмуджон Қорабоев.**

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

## ЙИЛЛИК САМАРА – 231 МИЛЛИОН

***Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қорасув" пахтани қайта ишлаш корхонаси уч ой ичида тубдан қайта жиҳозланиб ишга туширилди.***

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Х.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари – республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири – агросаноат комплекси раҳбари Н.Юсупов, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси мутасаддилари, пахтани қайта ишлаш саноатининг вилоят бошлиқлари ва корхона раҳбарлари иштирок этди.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

-Бу иш учун 370 миллион сўм маблағ сарфланди, - деди корхона раҳбари Ўрозали Жўраев. – Буни икки йил ичида қоплаймиз. Чунки ускуналарнинг такомиллашуви натижасида тола чиқиши 4 фоизга ошади. Бу 63 миллион сўм қўшимча маблағ дегани. 1 ва 2-навли пахтани қайта ишлаш сифати ошгани сабабли 120 миллион, электр энергия иқтисоди 33 миллион, чигит исрофгарчилигини олдини олиш туфайли 11 миллион сўм иқтисод қилинади. Хуллас, йиллик самара 231 миллион сўм бўлади.

Корхонага электрон магнитли торозининг қўйилгани кўпчиликка маъқул келди. Энди толани ҳам, чигитни ҳам граммигача ўлчаш, қоғозга михлаб қўйиш мумкин. Бу чигитни турли тарзда йўқотиш, исроф қилиш, ўғирлашга чек қўяди.

Бундай замонавий тош-торозини "Ўзпахтасаноат" тизимидаги 116 та корхоналарнинг ҳаммасида ўрнатса бўладими? Торозининг нархи ҳам унча катта эмас – 11 миллион сўм. Шу ускунани ўрнатиш орқали неча юз миллионни иқтисод қилиш мумкин. Қолаверса, корхона раҳбарлари турли хил гап-сўз, хиёнатлардан ҳам холи бўлишади. Чунки ўтган йил бир хил навли пахта хом-ашёсидан турли вилоятларда турли миқдорда тола ва чигит олинган. Масалан, Қашқадарёда чигит 54 фоиздан ошгани ҳолда бу кўрсаткич Сирдарё вилоятидаги корхоналарда 40 фоизга ҳам бормади. Ҳозир ҳам бу вилоятда чигит чиқиши 49,6 фоизни ташкил этаяпти. Нега?

Йиғилишда ишлаб чиқариш корхоналаридаги интизомни мустаҳкамлаш, харажатларни камайтириш, бунинг учун янги технологияларни жорий этиш лозимлиги айтилди.

-Янги пахта мавсуми бошлангунга қадар тизимдаги корхоналарнинг ярмидан кўпига янги компьютерлашган торозилар қўйишни мўлжаллаяпмиз, - деди "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раиси Эркул Зикриёев йиғилиш сўнгида. – Ана шунда тежамкорлик ҳам, қўшимча толаю чигит ва энг муҳими даромад ҳам кўп бўлади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## БАҲОРГИ ЭКИШ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимизда баҳорги экиш мавсумига тайёргарликнинг боришига бағишланган сим орқали мулоқот бўлиб ўтди.***

Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва муассасалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоят ва туманлар ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мулоқотда қайд этилдики, мамлакатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш борасида кўрсатаётган амалий

**ТАДБИР**

ёрдамлари туфайли соҳада сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Яқинда Оқсарой қароргоҳида ўтказилган йиғилишда ҳам Юртбошимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида ўзининг қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги масала юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва бошқа вилоятлар ҳокимларининг ахборотини тинглади.

Ўтган йили мамлакатимиз пахтачилигида катта имкониятлар бой берилди.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШҚИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

***Ўтган 2002 йилнинг сўнгги ойида республикамизнинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёғингарчилик миқдори ўртача йиллик меъёридан ортиқ бўлди. 2003 йилни дастлабки ойлари серёғин келди. Булар албатта, турли-туман табиат ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин.***

Ўзбекистон Республикаси "Бошгидромет" бошқармаси маълумотларига кўра баҳор, ёз ойларида тошқин ва сел бўлиш ҳолатлари кутилмоқда .

Халқимизда ибратли бир мақол бор, яъни "касални даволашдан кўра унинг олдини олган яхши". Юзага келиши мумкин бўлган табиий офатларнинг оғир оқибатлари олдини олиш, моддий зарарни ва уларнинг моддий оқибатларини бартараф этиш учун яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошқин ва сел оқимлари, кўчиш ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори қабул қилинди.

Сув тошқинларининг аслида олдини олиш мумкин. Бунинг учун доимий равишда иш олиб бориш лозим.

Маълумки, Республикамизда кейинги 2-3 йилда қурғоқчилик туфайли сув кам бўлди, натижада гидротехник иншоотларининг иш тартибида бироз ўзгаришлар юз берди. Яъни, кўпинча сувни оқизувчи трактлар ва сув иншоотларини лойқа босди, уларнинг ўзанларидан ўсимликлар ўсиб, уни ўтказиш қобилиятини камайтирди. Сув тортувчи насос станциялари кучайтирилган тартибда ишлатилганлиги учун уларнинг баъзилари техник носоз ҳолатга келиб қолди. Айниқса, эксплуатация хизмати ходимлари гидротехник иншоотларини техник ҳолатини сел ва тошқин сувларининг салбий таъсири оқибатида ўзгаришига нисбатан беғамликни, шунинг билан бирга суғориш учун сув омборида иложи борича кўп сув йиғиш ҳарорати ташвишини уйғотди. Бу ҳолатлар сув омборининг лойиҳавий иш тартибини бироз ўзгартириб юборди.

Бу йил сув таъминоти қандай бўлишини олдиндан айтишга эрта, лекин Республика Бошгидрометнинг шу йил 7 февралда берган маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, Бошгидромет назорати остидаги, Марказий Осиё дарёларига сув йиғиб борувчи (тоғларда) майдонларда 27 метеостанциянинг 17 тасида ёғингарчилик миқдори меъёридан 112 фоизгача кўп бўлган, 18 метеостанциянинг 12 тасида эса қор миқдори меъёридан 48 фоизгача кўп бўлган. 2002 йилга нисбатан 18 метеостанциянинг 15 тасида қор қалинлиги 133 фоизга кўтарилган. Ҳозир ёғингарчилик давом этмоқда, яъни у кўпайиши мумкин, ҳарорати ўзгариши билан дарёларда тошқинни, кучли ёмғир билан эса хавфли селларни келтириб чиқариш эҳтимоли бор.

Тошқиннинг, шу жумладан селнинг қайтарилиш даврийлигини олдиндан айтиш қийин, аммо содир бўлса уларни талофатсиз ўтказиб юборишга тайёр туришимиз керак. Бунинг учун автомобиль, темир йўллар, каналлар ва коллекторлар орқали селни ўтказувчи иншоотлар тозалаб қўйилиши лозим. Гидротехник иншоотлар затворларини ишлатувчи қурилмаларнинг ишлаш қобилияти текширилиши, ҳалокат ҳолатларини бартараф қилиш учун лозим бўладиган материалларни, ҳалокат заҳиралари ва ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва иш асбоблари тайёрлаб қўйилиши керак. Вилоят ва туманлар хокимиятлари хузурида сув хўжалиги идоралари билан биргаликда тошқинни олдини олиш комиссиялари тузилиши, ҳалокат ҳолатларида иштирок этувчи

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

идораларни мувофиқлаштирилган ҳолда иш олиб борадиган иш режаси тузилиши, моддий куч жалб қилинадиган жой ва иштирокчилар сони белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республикадаги гидротехник иншоотлар, шу жумладан сув омборлари сел ва тошқиннинг салбий таъсирини камайтириш учун ҳам хизмат қилди. Шунинг учун ҳам сел ва тошқин мавсумида барча сув омборларида ҳажм қолдирилади. Бундай ҳажм қолдирилмаса, 1967 йил апрел ойининг Тошкент (ўша пайтда Туябўғиз) сув омборида бўлган ҳолатга такрорланиши мумкин. Ўшанда Оҳангарон дарёсидан сел келган, сув омборларида заҳира ҳажми бўлмаганлиги учун, сув омборидан 300 м3/с сарф билан сувни қўйиб юборишга мажбур бўлишган. Телефон алоқаси бўлмаганлиги сабабли қўйиб юборилган сув ҳақида Оққўрғонгидроузелини огоҳлантиришнинг иложи бўлмаган, натижада сув йўлга тушган селлар билан бирга 500 м3/с сарф билан Оққўрғон гидроузелининг сувни ушловчи дамбасини ювиб кетган. Шундан сўнг Оққўрғон гидроузели 1060 м3/с энг кўп сув сарфи учун қайта қурилган. Аммо бундай ҳалокатли ҳолатлар 1987 ва 1994 йилларда яна қайтарилган.

Баъзи бир сув омборларида бугунги кунда сел ва тошқин сувларини қабул қилиш учун заҳира ҳажми қолдирилмаган. Мисол, учун Зарафшон дарёсидан сел келса, Шўрикўл, Ўюмозор сув омборлари сувни сиғдира олмайдилар. Бунинг устига Навоий вилояти ҳудудида Зарафшон дарёсининг ўзани йўқотиб юборилган, Шўркўл сув омбори ва Дулдул коллекторининг ташлама сувлари Бухоро вилоятининг Кутчи массиви ерларини босиб кетиши мумкин. Сел ва тошқин сувларини беталофат ўтказиб юбориш учун бу ерда тезкор чоралар кўрилиши керак.

2002 йил феврал ойи бошида Қашқадарёдан келган тошқин ва ортиқча сувлар катта хавфни вужудга келтирган, Аму-Бухоро машина каналини Гавана дамбаларини ёриб кетиши хавфини ҳосил қилган, чунки Сичанкўл коллекторини 15 м3/с сув оқадиган қилиб кенгайтириш ва Гавана дамбаларини мустахкамлаш ҳақида қарор қилинган эди. Аммо Сичанкўл коллекторини қайта қуриш охирига етказилмаганлиги сабабли бу масала ҳанузгача ўз ечимини топмаган.

Қўшни мамлакатлар Сирдарё юқори қисмидаги (Тўхтагул, Қайроқ қум) сув омборларида электр энергияси ишлаб чиқиб, сувни қуйиб юборсалар, Сирдарёда сунъий "тошқин" бўлиши мумкин. Бу Фарғона водийсидан қўшимча равишда 60-80 фоиз сувни олишга, 80-120 м3/с сувни Жиззах сув омборига ташлашга олиб келади. Бундан ташқари Сирдарёнинг Наманган вилояти ҳудудидаги қирғоқларини ювилиши ва туташ майдонларини сув босиши вазиятни янада мураккаблаштиради.

Амударёда ҳам тошқин бўлиши мумкин, бу ерда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси туташ ерларини сув босиши эҳтимоли мавжуд. Дарё ўзанининг ўзгариб туришига қарши Амударёнинг қуйи оқимида ўзанни тартибга солувчи ва ҳимоя иншоотлари тизими (дамбалар, шпорлар) ишлатилади, уларнинг кўпчилиги хавфсизлик нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайди.

Шундай қилиб тошқин мавсумини беталофат ўтказиш учун хавфли жойларда доимий равишда ва кечаю-кундузи навбатчилик ташкил қилиниши, зарур ер қазиш ва юк ташиш техникалари, огоҳлантириш тизими (қўзғолмас ва қўзғолувчан телефон алоқаси, товушли огоҳлантириш тизими, огоҳлантириш учун фойдаланиладиган транспорт) тайёр қилиб қўйилиши, диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган ва у қиладиган ишга аниқлик киритилган, фавқулодда вазият бўлганда ишлаш учун эксплуатация хизматининг барча ишлари тайёрланган бўлиши керак.

Агар бу тадбирлар ўз вақтида амалга оширилган ва йўлга қўйилган бўлса, барча гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги таъминланади, халқ хўжалигига етказиладиган зарарнинг олди олинади.

"Давсувхўжаликназорат" инспекцияси манфаатдор вазирликлар билан бирга йирик ва ўрта муҳим гидротехник нишоотларни олдиндан текширишни сел ва тошқин хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда бошлаб юборган, унинг натижасида иншоотлар сел ва тошқин сувларини талофатсиз ўтказиб юбориш бўйича тавсиялар беради.

Сел ва тошқин сувларини хавфсиз ўтказиб юбориш бу мавсумий ва вақтинчалик тадбир эмас, у билан доимо режали равишда ҳамма, оддий фуқаро, маҳаллий идоралар ва вазирликлар шуғулланиши керак.

**Темур КАМОЛОВ,**
**"Давсувхўжаликназорат" инспекцияси раиси,**
**Тожибой ТУРСУНОВ,**
**катта мутахассис.**

## ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

***Ёшларнинг, айниқса, вояга етмаганларнинг жиноят оламига кириб қолиши сабабларини одатда ижтимоий шарт-шароитлар замиридан излаймиз. Бу ҳолатга чек қўйиш учун, табиий, ўша шарт-шароитлар таҳлилидан келиб чиқиб чора кўрамиз.***

Аммо ёшлар орасида ҳуқуқий тарғибот кучайтирилаётганлигига қарамай, вояга етмаганларнинг жиноий хатти-ҳаракатларига

**ТАРБИЯ**

нуқта қўйилаётгани йўқ. Аксинча, вояга етмаганлар орасида судланганлик даражаси ошиб бораётгани ташвишланарли. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикада вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 2002 йилда ўтган йилларга нисбатан 3,2 фоизга ўсган. Судланган вояга етмаган шахсларнинг 36,2 фоизи жиноят содир этиш вақтида ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламаганлар. Уларнинг 10.2 фоизи жиноят пайтида маст ҳолатда бўлганлар.

Вояга етмаганлар томонидан асосан, безорилик, босқинчилик, гиёҳвандлик ва ҳаётга қарши жиноятлар содир этилган.

(Давоми 2-бетда)

**ИБРАТ**

## НАРПАЙЛИК "РОБИНЗОН КРУЗО"

***У ҳақда дастлаб баъзи бир маълумотларни билдириб қўйишни лозим топдик. Худойберди Назаров 1963 йил туғилган. Ҳали мурғаклигидаёқ онаси хасталик туфайли оламдан кўз юмади.***

Отаси Назар ака мактабга қоровул эди. Кимни кўрса – "Ҳа, оғайни, ишлар қалай?", деб ҳол сўраганлиги учун ҳамма уни "Оғайни бува" лақаби билан атарди. Буни қарангки, Оғайни бува ўз имкониятида бўлган мактабдаги бирор буюмни ҳам шахсий манфаатига фойдаланмаган. Негаки, кичик ўғли Худойберди билан яшайдиган бир том, бир даҳлиз ғарибгина кўринишда эди. Оғайни буванинг катта ўғли Бахтиёр дурадгорлик билан шуғулланарди. Ўртанча ўғил Отаёр эса Тошкентда, олдинги Политехника институтини қурилиш соҳаси бўйича тугатиб, пойтахтда қолди.

Ота ва кенжа ўғил гоҳида иссиқ овқатни ўзлари тайёрлаб, гоҳида эса нон-чой билан кун кўришди.

(Давоми 3-бетда)

## ҲАЛОВАТ ОПАНИНГ ҚАНОАТИ

***Ҳаловат опанинг тўнғичи Садоқат чопқиллаб юрган кезлари эди. Тўсатдан оёғи оғриб тўшакка михланиб қолди. Узундан-узоқ муолажалар кор қилмади. Қизининг забун ҳолига боқиб, чўпдек бўлиб қолган шўрлик она докторлар маслаҳати билан Москвага отланди.***

Москвалик докторлар дастлаб Ҳаловат опадан турмуш ўртоғи Асқар ака билан қариндошлик жойи бор-йўқлигини суриштирди. "Йўқ" дегач, аёлнинг касбкори билан қизиқдилар...

Ҳаловат - ўшанда эндигина 17 ёшга кирган қиз - "турсуной"чилар сафига қўшилиб, механизатор бўлган ромитанлик машҳур пахтакор Муяссар Барноевага шогирд тушган эди.

**ТУРМУШ**

У 1981 йилга қадар механизаторлик қилди. Беҳудуд далаларда пахта терди. Нозик вужуди билан техникани бошқариб, ўзини ўтга урди. Ўшанда донгдор ёш механизатор шаънига кўпдан-кўп таҳсиннолар айтилди, "озод Шарқ қизи"нинг меҳнат жасорати ҳақида газеталарда мақолалар чоп этилди.

Ҳовуздаги лойқа сув ҳам вақт ўтиши билан тиниқ тортади. Ўша "ура-ура"чилик йиллари замиридаги аччиқ ҳақиқатни ҳам кейинчалик англаб етдик. Пахта яккаҳокимлиги еримизга, табиатимизга зиён етказди.

(Давоми 4-бетда)

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

## "ОШҚОВОҚ" ОПЕРАЦИЯСИ

***Маълумки, мамлакатимиз истеъмол бозорига яроқсиз маҳсулотларнинг кириб келиши олдини олиш, четдан товар келтиришни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йилнинг 6 май куни 154-сонли қарор қабул қилинган эди.***

Мазкур қарор ижроси юзасидан ўтган давр мобайнида тегишли идоралар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Бозорларимиздаги тартиб-интизом бир қадар ижобий томонга ўзгарди. Таъкидлаш ўринлики, мазкур қарорнинг қабул қилиниши бугунги шароитда истеъмолчилар манфаатини тўлақонли ҳимоялашда муҳим қадам бўлди.

Бироқ таассуфки, ўз жиғилдонини халқ манфаатидан устун қўядиган, нафс амрига бўйсуниб, қонунларимизни оёқости қиладиган кимсалар учраб туради. Яқинда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг бўлиб ўтган суд мажлисида саккиз нафар ана шундай кишилар устидан ҳукм ўқилди.

(Давоми 2-бетда)

## ТАБИАТ ИНТИҚОМ ОЛСА...

***Бугунги кунда бани-башар мислсиз ютуқларга, тараққиётнинг юксак чўққиларига эришганини ҳеч ким инкор этолмайди. Фан ва техника жадал ривожланмоқда.***

Бироқ, бунинг натижаси ўлароқ, она табиат тараққиётнинг қурбонига айланиб қолмаяптимикин? Истаймизми-йўқми, ҳар доим инсон табиат билан ҳисоблашишга, у билан муроса қилишга ва уни эъзозлашга мажбур. Бироқ, ўтган

**БИЛАСИЗМИ**

бир аср давомида инсоният ана шу оддий ҳақиқатни тан олмади, табиатни жиловлашга беҳуда интилди. Унга нисбатан ўтказилган зуғум ва тажовузнинг оқибатини эса ҳар биримиз кўриб турибмиз. Неча асрлардан бери бизни боқиб келаётган она заминнинг биологик ҳолати бугун аянчли аҳволда.Агар Ер сайёрасининг табиий ресурсларидан шундай ноОқилона фойдаланишда давом этилаверса, вақти келиб, инсоният бошига кўпгина мусибатлар ёғилиши, шубҳасиз. Жаҳон ресурслари институти маълумотига кўра шу кетишда 100 йилдан сўнг аҳоли сони 2 миллиард атрофида қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Ичингга*
*тушурма*
*ҳасаддан учқун,*
*Ҳасад ўти ёқар*
*одамни бутун.*
*Ҳасад ўти*
*тушса*
*хонадонингга,*
*Ўт кетгай*
*молу жон,*
*хонумонингга.*

**Камолиддин БИНОИЙ**


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ИЖОДНИ АНГЛАШ БАХТИ

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

САМЮЭЛ МОРЗЕ ИХТИРОСИ

# БАҲОРГИ ЭКИШ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

(Боши 1-бетда)

Бундан тўғри хулоса чиқарган миришкор деҳқонларимиз барча агротехника тадбирларини маромига етказиб бажаришга алоҳида эътибор бермоқда. Аксарият вилоятларда экин майдонлари ўз вақтида сифатли шудгорланди. Бироқ бу муҳим тадбир айрим жойларда асоссиз равишда кечиктириб юборилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятида шудгорлаш февраль ойига қадар давом эттирилди.

Кўкламги экиш мавсуми тобора яқинлашиб келаётгани майдонларни текислаш ва пушта олиш ишларини янада тезлаштириш ва қисқа муддатларда якунлашни тақозо этмоқда. Қолаверса, кўп йиллик тажрибалардан маълумки, сифатли текисланган ва пушта олинган ерларда кўчат бир текис ундириб олинади, яхши ривожланади. Об-ҳавонинг қулай келганига қарамай, бу тадбир ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Жумладан, пушта олиш ишлари Навоий вилоятида 17,5, Қашқадарёда 26,3, Самарқандда 14,1, Бухорода 26, Фарғона вилоятида 36,7 фоиз бажарилган, холос.

Йиғилишда жорий йилда ғалла экилган 1 миллион 390 минг гектарга яқин майдондаги майсанинг бугунги аҳволи, уни озиқлантириш ва суғориш ишларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, бу борада кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Н.Юсупов, М.Усмонов иштирок этди.

**Олим Норбеков,**
**ЎзА мухбири.**




## "ОТА" ҲАНГОМАЛАРИ

**Чустда Нўъмонжон Зокиров деган ошнам бор. Кўп йиллардан бери туман ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи сифатида нафақадаги отахон-онахонларга хизмат қилади. Кексаларга шунчалик сингишиб кетганки, энди элликни қоралаётган бу кишини ҳамма ҳурмат билан "ота" деб эъзозлайди, ҳурмат қилади.**

**Мана "ота" айтган ҳангомалардан айримлари:**

### "ИЕ, АРҚОНИ БОШҚА-КУ"

***- Ҳайдовчим қишлоқнинг этагида ўтиради, - деб ҳикоя қилади "ота",- дам олиш кунларининг бирида Чорвоқ томонидаги эшигидан далага чиқса, бир кампир ариқнинг ёқасида ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирганмиш.***

- Ҳа, онахон, тинчликми? – деб сўрабди.

- Э, кўрмайсанми, болам, кенжамни уйлайман деб ҳўкиз боқиб юргандим. Бўкиб қоптими нима бало, ўрнидан туролмаяпти.

Ҳайдовчим шундагина сал нарироқдаги ўтзорда ётган ола-була ҳўкизга эътибор берипти. Қараса, ҳақиқатдан ҳўкизнинг ётиши бежо, ҳарсиллаб нафас олаётганмиш.

- Жон болам, ўлиб қолмасдан ҳалоллаб бер, - депти кампир.

Ҳайдовчим ёнидаги пичоғини олиб, шартта ҳўкизни сўйиб юборибди. Қони тўхтаб, жони узилиб бўлгач:

- Мана энди буёғини қассобга майдалатволасиз, - деб кетаётса кампир.

- Тўхта болам, вой ўлмасам, бунинг арқони бошқа-ку, мени ҳўкизимга ўхшамайди. - дермиш...

### "ХАДЖАЕВ ЭШИТАДИ!"

***- Раҳматли Маматжон ака Бобожонов Чустда туман саркотиби эдилар, - дея эслайди "ота". – Бир куни "Ахча" колхўзига қўнғироқ қилиб:***

- Ким бу? – десалар, телефонда дағал хириллаган овоз.

- Хаджаев эшитади! – депти.

Ўша вақтлардаги вилоят раҳбарининг фамилияси ҳам Хаджаев бўлиб, Бобожоновнинг хаёлидан "иби, "катта" келиб, ҳеч кимга айтмай тўғри "Ахча"га ўтиб кетибдилар-у, биз бехабар қолибмиз." деган ўй ўтибди.

- Ҳозир! – дептилару гўшакни қўйиб, саноқли дақиқа ичида "Ахча"га етиб борсалар, идора ёнбошидаги телефон олдида бир чол ўтирганмиш.

- Кимсиз? Катталар қани,- десалар, чол: - Мен Хаджаевман, раис ичкаридалар,- деб жавоб берибди.

Бобохоновни аччиғи келиб, асабийлашиб, ичкаридан шошиб чиқиб келган раисга:

- Бу чолни бўшатворинг, Хаджаевман, деяпти, - деса, раис:

- Ростанам отахоннинг фамилияси Хаджаев, дермиш...

### "ҲАММАСИ ОПКЕМАГУНЧА..."

***Яқин хорижий давлатларнинг бирида бир пораҳўр амалдор тўсатдан ўлиб қолибди. Унинг ўлимини клиник ўлимга менгзаб, мабодо тирилиб кетса уйига қўнғироқ қилади, ё уйдагилар қўнғироқ қилиб унинг ҳолидан бехабар бўлишади, деган ўйда лаҳадга телефон тушириб, сўнг кўмишибди.***

Телефон бўлганда ҳам телефон қилаётган томон рақамини кўрсатиб турадиган замонавий телефон экан.

Бир кун ўтиб десангиз, "ўлик" тўсатдан жиринглаган телефон қўнғироғидан тирилиб кетибди.

Аста кўзини очиб қараса, уйидан қўнғироқ қилишяпти экан. Гўшакни олмапти.

Яна қўнғироқ бўпти. Бу гал қараса, ўзи ишини битказиб бергану, аммо "чўғи"ни камроқ ташлаб кетган мижозларидан бири эмиш. "Ўлик" шошиб-пишиб гўшакни кўтарибди.

У томондан эшитилган:

- Қалайсиз? – деган саволга жавобан у:

- Шунақа бўп қолди, тўсатдан вафот этиб қолдик, "ҳалиги"ни қолганини опкелсангиз, оёқ-қўлни сал хотиржам узатиб ётсам, - деб жавоб берибди.

Мижоз "омонати"ни олиб бориб:

- Энди қачон чиқасиз? – деса.

- Яна сизга ўхшаган беш-ўнта билан ўтишган жойимиз бор, опкелишса чиқаман, йўкса, ёруғ дунёни менга қизиғи йўқ, - дермиш...

**Ортиқали НОМОЗОВ**

# ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

(Боши 1-бетда)

Демак, уларнинг жиноят оламига кириб қолишларига бекорчилик, фойдали меҳнатга жалб этилмаганлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари иллатлар маълум даражада сабаб бўлган. Айни пайтда ўрганишлар шуни кўрсатаяптики, жиноий жавобгарликка тортилган ўсмирларнинг аксарияти қилаётган иши жиноят эканлигини, унга жазо муқаррарлигини билишган. Била туриб нима учун жиноятдан ўзларини тўхтата олмаганлиги сабаблари эса ўзларига-да қоронғу.

Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Яна қандай сабаблар борки, она сути оғзидан кетмаган болаларимиз панжара ортига тушмоқдалар? Ахир ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди-ку!

Фалсафа фанлари номзоди, юридик психология соҳасида фаолият олиб бораётган тадқиқотчи Лутфулла Турсунов бу борада шундай дейди:

- Бу масалага психология нуқтаи назаридан ёндашсак, назаримда, кўп жумбоқлар ойдинлашарди. Чунки инсоннинг ҳар бир ҳаракатида психологик омил ётади. Вояга етмаганларнинг жиноят оламига кириб қолиш сабабларини изоҳлашга келсак, аввало, оиладаги муҳитнинг болалар руҳиятига таъсирини кўрмоқ керак.

Оилада инсон илк ҳаётий тажрибаларини олади ва бу унда салбий ё ижобий хислатларни шакллантиради. Оилада агар носоғлом муҳит мавжуд бўлса, ҳар қандай ташқи таъсирлар ҳам бола руҳиятидаги салбий ўзгаришларга тўсиқ бўлолмайди.

Носоғлом муҳит ота-онанинг ичкиликка ва шаҳвоний ҳаётга берилиб кетиши, улар орасидаги келишмовчиликларнинг тез-тез юз бериши, никоҳнинг бекор қилиниши, шунингдек, болани меъёридан ортиқ эрка қилиб тарбиялаш ёки боланинг жисмоний-руҳий касаллик туфайли ғайритабиий ҳаракатларига бепарволик ва бугун кўп дуч келаётганимиз – ота-оналарнинг ўзлари болаларини моддий манфаатдорликни кўзлаб майда ўғрилик, безорилик сингари жиноятларга бошлашларида кўринади.

Бундан ташқари биз вояга етмаган маҳкумлар орасида анкета-сўровлар ўтказганимизда, уларнинг 30 фоизи ота-она қарамоғидан маҳрум эканликлари аниқланди.

**- Маълумки, ўсмир, айниқса, ўғил болалар кўпроқ уйидан ташқарида, дўст-ошналари даврасида вақт ўтказишга интилади. Бунинг ўсмир руҳиятига таъсири қандай?**

- Ўсмирнинг таълим олиши ва айрим ҳолларда меҳнат қилиши жараёнида, агар унинг ўқиши, юриш-туришига эътибор билан қаралса, у камол топаётган оилада соғлом муҳит яратилса, ҳар қандай ташқи муҳит таъсири олди олиниши мумкин. Афсуски, ҳозир аксар ўсмирлар таълим-тарбия масканларида, ўқув даргоҳларида ҳам назоратсиз қолаётганликлари, натижада, дейлик, мактабнинг ўзида ўсмирларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб уюшишга мойилликлари ортаётганлиги ва бу гуруҳлар айрим ҳолларда уюшган жиноятчиликни келтириб чиқараётгани ғоят ачинарли.

**- Ўсмирларнинг уюшқоқликка интилишларини жиноятга етакловчи омил, деб қарашингиз, менимча, исботталаб?**

- Ўсмир атрофида ўз феъл-атвори, табиати, дунёқарашига мос кишиларга эҳтиёж сезади. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозир савияси, тафаккури ҳаминқадар ўсмирларимиз бармоқ билан санагулик эмас!

Айниқса, мана шундай онгида бўшлиқ мавжуд болаларимиз инсон руҳиятига кескин таъсир кўрсатувчи мафкуравий тазйиқ сингиб кетган, ўзида шафқатсизликни намоён этувчи жангари, ҳаёсиз фильмлардан нотўғри сабоқ олиб, ўзлари сезмаган ҳолда улардаги қаҳрамонларга тақлид қилишларига бефарқ қараб бўлмайди. Яна турли порнографик газета ва журналларнинг ғайриқонуний йўл билан кириб келиши (таассуфки, мамлакатимизда ҳам айрим шу тоифа енгил-елпи ва бошдан-оёқ криминология, ваҳшийликдан иборат газеталар йўқ эмас!) ҳам вояга етмаганлар ўртасида ахлоқсизлик кучайишига олиб келяпти. Ахлоқсизлик эса жиноят эшигидир.

Биз – катталар шуни унутмаслигимиз керакки, ҳатто кўраётган мультфильмлардан ҳам болаларимизнинг руҳиятида ўзгариш пайдо бўлиб, бу ўтиш даври-ўсмирликда кўзга ташланади.

**- Ўсмирнинг баъзан ўзини-ўзи бошқара олмаслигига ўтиш давридаги жисмоний ўзгаришларни ҳам сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкинми?**

- 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлик даври ниҳоятда мураккаб кечади. Қизиғи, тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, вояга етмаганлар орасида жиноятга қўл ураётганларнинг 70-75 фоизи айнан шу ёшдаги ўсмирлардир.

Бу даврда ўсмирда ҳиссий қўзғалишлар, руҳий оғишлар кучли бўлади. Эндокриник безлар ва марказий асаб тизимлари фаолиятининг қайта тузилиши билан боғлиқ ҳолда ўсмирда жисмоний ва психик етилиш юз беради. Бу жараён баъзиларида сокин кечса, бошқаларида шиддатли ўтади, яъни ўсмир ўзини-ўзи бошқаролмай қолади. Қолаверса, инсонлар ўз феъл-атворларидан келиб чиқиб 4 хил мижозга эга бўладилар. Ўсмир қайси мижоз хислатларига эгалигини яқинлари эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Масалан, меланхолик темпераментли ўсмир атрофидаги воқеаларга совуққон кўринганини билан ҳар бир ҳолат унга таъсир қилади. У ўз таъсири доирасига тушиб қолади. Тушкунлик, умидсизлик, ёлғизланиш унда психиатрик ўзгариш ёки турли касалликларга олиб келиши, ҳатто ана шундай совуққонлик билан қотилликка қўл уриши ҳам мумкин.

Тадқиқотимиз жараёнида бир маҳбус қиз билан суҳбатлашгандим. А. исмли 14 ёшли бу қиз 10 ёшли укасини пичоқлаб қўяди. Сабаби оддий, укаси у айтган уй юмушини бажармай, ўйинга берилиб кетади.

Сабабини ўргандик. Маълум бўлишича, оилада бу қизга нисбатан ота-онанинг бепарволиги, уларнинг кўпроқ укасига меҳр кўрсатиши, қизни ҳатто мактабга юбормай, уй юмушларини ўрган, дея ўқишни ҳам чеклаб қўйиши қизда узоқ вақт мобайнида тушкунлик, ёлғизланиш ҳиссини уйғотган. Натижада у ўз укасига ички нафрат билан қарай бошлаган. Ва ниҳоят, арзимас сабаб билан бу нафрати жиноятни келтириб чиқарган. Яна бир мисол. Ўзига тўқ, бадавлат оиланинг 15 ёшли ўғли бир-икки ҳамтовоқлари билан қўшнисининг уйига ўғирликка тушади. Суриштирув жараёнида аниқланадики, ўсмир ўзи кўрган жангари фильм қаҳрамонига тақлидан бу ишга қўл урган.

Мана шундай ҳолатлар аниқланганда уларга жазо тайинлашда судьялар хусусий ажримлар тарзида ўз муносабатларини билдирмоқлари керак.

Бунинг олдини олиш учун вояга етмаганларни ишга, ўқишга, спортга жалб этиш масаласида янада фаолроқ бўлиш давр талабига айланган. Тўғри, бу борада кўп гапириляпти. Амалда эса вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамон камаймаётгани эса кишини таажжубга солади.

**- Статистик маълумотларда келтирилишича, судланганлар орасида вояга етмаган қизлар сони 7,4 фоизга ортган. Бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?**

- Ўғил болаларга қараганда қизлар ўтиш даврида руҳан тетик бўладилар. Шу боис ҳам вояга етмаган қизлар томонидан камдан-кам ҳолларда жиноят содир этиларди. Эндиликда панжара ортига кўпроқ қизлар тушаётганлиги сабабини эса яна ўша оғриқ нуқта-оилада ҳам, ўқув даргоҳларида ҳам уларнинг тарбиясига бепарволик билан қаралаётганликдан изласак, тўғри бўларди. Ачинарлиси, ҳали қўлига қўғирчоқ ярашадиган қизларнинг одамлар ҳаётига тажовуз қилаётганликлари, ўғрилик, босқинчилик билан шуғулланаётганликлари бир қатор саволлар туғдиради: ота-оналар қаерга қараяпти? Маҳалла-кўй нега бир хонадоннинг қизи қийшиқ қадам қўяётганини билса-да, кўрмасликка оляпти? Таълим муассасаларида қизлар билим олиш учунмас, сўнгги русумдаги либосларини кўз-кўз этиш учун келаётганидан бохабар масъуллар нима учун лоқайдлар? Айниқса, фақат тадбирлар билан чекланиб қолаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар ташкилотлари нега жим?

Бир жиҳатни унутмайлик, босилган қадам қисматга айланади, дейишади. Шундай экан, болаларимизни эгри йўлга қадам босишдан асрамоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг руҳияти билан таниш, интилишларида далда бўлишимиз энг мақбул йўлдир.

**Фарида МАҲКАМОВА**
**суҳбатлашди.**

**Кейинги пайтда мамлакатимиз бозорларини қайта таъмирлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Ғиждувон шаҳрида барпо этилаётган 7 минг ўринли деҳқон бозорини ҳам ана шундай ишлар самараси дейиш мумкин. Ушбу деҳқон бозори 16 гектар майдонни ўз ичига олади . Ҳозир бу ерда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, унда 600 нафардан зиёд қурувчи ва ҳашарчи меҳнат қилмоқда.**



**СУРАТДА: ишчи Нусрат Ботиров.**
**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# "ОШҚОВОҚ" ОПЕРАЦИЯСИ

(Боши 1-бетда)

Бойлик илинжида қонунни оёқости қилган "тадбиркор"лар қилган кирдикорларидан афсус чекишди. Бироқ, сўнгги пушаймондан не наф?

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида яшовчи Мунаввар Жуманазарова содир этилган жиноятнинг бош ташкилотчиси ҳисобланади. У кўп қатори ўзини бозорга уриб, енгил-елпи пул топишга, осонлик билан мўмай даромад орттиришга ўрганиб олди. Аввалиги "Отчопар" бозоридан Ҳазораспга мол олиб келиб сотди. "Отчопар" бозори вақтинча фаолиятини тўхтатгач, Қозоғистон Республикаси Келес туманида жойлашган "Абай" бозорига қатнай бошлади. Бир-икки маротаба ноқонуний тарзда айланма йўллар билан қўшни республикадан мамлакатимиз ҳудудига катта миқдордаги хорижий маҳсулотларни олиб киришга муваффақ ҳам бўлди. Бироқ кўза кунида синди.

Бу сафар Мунаввар қулочни каттароқ отди. Бир-икки сафари давомида "тажрибаси" ошиб, ўзига анча ишониб қолган тижоратчи опа "Абай" бозорига қатнаб, тижорат билан шуғулланувчи ҳамюртларини ҳам йўлдан оғдирди. Уларни божхона тўловлари арзонлаштирилганини айтиб, чегара постидан анча пастроқ тўловлар эвазига уларнинг юкларини "ўтказиб" беришга ваъда қилди. Айбланувчининг кўргазма беришича, у чегара ортидаги бозорда танишларининг тахминан 200 миллион (!) сўмлик юкини ва божхона харажатлари учун 50 миллион сўм пулни ўзида олиб қолган. Танишлар ҳам Мунавварнинг қуюқ ваъдаларига чиппа-чин ишониб, бор будларини унинг ихтиёрига топширишган.

Ҳали 30 ёшга ҳам кирмаган заифанинг бу қадар катта миқдордаги сармоя билан ноқонуний иш юритишга журъат қилганига ҳайрон қолаётгандирсиз. Гап шундаки, опахон бу борада ҳам ишни пишитиб қўйганди. У Хоразм вилояти Хонқа туманида яшовчи Дастонбек Назаровни ўзига ҳамкору ҳамқадам қилиб олганди. Бу галги "операция"да ҳам Дастонбек Мунавварга сидқидилдан кўмаклашди. Сотиб олинган маҳсулотларни олиб кетиш учун машина топишда, юкларни ортиш ва туширишда, хуллас барча майда-чуйда ишларда у шеригининг энг ишончли вакилига айланганди.

Бу гал ҳам "Абай" бозоридан харид қилинган умумий қиймати беш юз миллион сўмдан зиёд хорижда ишлаб чиқарилган кийим-кечак маҳсулотларини юклаш учун икки "тадбиркор" биргалашиб "транспорт" излашга тушишди. Пул бўлса чангалда шўрва деганларидек, бу масала ҳам деярли осонликча ҳал этилди.

Даставвал пойтахтдаги "Ўриксор" бозорига келиб, мижоз кутаётган Самарқанд туманида яшовчи Илҳом Исломовни қўлга олишди. У 350 минг сўм эвазига ўз бошқарувидаги МАЗ 54223 русумли автомашинада тегишли миқдордаги молни чегара ортидан Хоразмгача етказиб беришга рози бўлди.

Ярим миллиард сўмликдан зиёд мол битта юк машинасига сиғармиди. Бунақа машинадан тағин бештаси керак бўлади. Шу тариқа икки "учар" юк ташиш билан умргузаронлик қилиб юрган Б.Юнусов, Н.Норов, Б.Сайдалиев, А.Милованов, А.Алмановларни ҳам ўз жиноятларига шерик қилиб олишди. Ҳайдовчилар таклиф қилинаётган вазифа қонунга зид эканлигини билишса-да, мол эгалари ваъда этаётган отнинг калласидек пул уларнинг нафсини ҳакалак оттириб юборди. Хуллас, транспорт муаммоси ҳал этилди. Энди чегара ортидаги юкларни олиб ўтиш қолди, холос. "Тижоратчилар" бунинг ҳам йўлини қилишди. Аввал барча моллар Қозоғистон Республикасига қарашли юк машиналари воситасида овлоқ бир маконга келтирилди. Сўнг юклар юқорида зикр этилган ҳайдовчилар бошқарувидаги машиналарга ўтказилди. Юкхонанинг орқа қисмига эса ошқовоқ ва тарвуз ортилди. Қани, биров бир нима дермикин?

Гўёки "ошқовоқ ва тарвуз юкланган" юк машиналари карвони олдинма-кетин йўлга тушишди. Айланма йўллар орқали мамлакат чегарасидан ҳам ғайриқонуний равишда "ўтиб" олишди. Мунаввар ҳам, Дастонбек ҳам, ҳайдовчилар ҳам иш силлиқ кетаётганидан ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Бироқ қувонч узоққа чўзилмади. Соат тунги учларда Сирдарё тумани "Шоликор" ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги йўл патрул хизмати ходимлари шиддат билан келаётган карвонни тўхтатиб, юкхоналарни текширувдан ўтказганда ҳамма сирлар фош бўлди.

Қонунни четлаб ўтиб, беҳисоб бойлик тўплаш иштиёқи саккиз нафар ҳуқуқбузарни суд курсисига етаклаб келди. Суд ҳукмига биноан яширинча олиб ўтиш кўзланган моллар, шунингдек, олти нафар ҳайдовчи бошқарувидаги юк машиналари тўлалигича давлат ихтиёрига ўтказилди. Жиноятчилар ҳам тегишли жазоларга ҳукм этилдилар. Сохта тижоратчиларнинг муваффақиятсиз чиққан бу "операция"лари ва унинг аламли оқибати маҳкумларга ҳам, қонунни топташ билан давлат орттиришга ҳавасманд кимсаларга ҳам яхшигина сабоқ бўлиши турган гап.

**М.МЕЛИЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг раиси.**

# АҚШ ЭЛЧИСИ ЖИЗЗАХДА

***АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст Жиззах вилоятида бўлди. У минтақа ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон-АҚШ қўшма лойиҳаларининг амалга оширилиши жараёнлари билан танишди.***

Ж. Хёрбст аккумуляторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "ЎзЭксайд" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига борди. Ушбу корхона қурилиши ўтган йили тугалланган эди. Корхона лойиҳа қувватига кўра, йилига бир миллион дона аккумулятор ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг ярмисини экспортга чиқариш режалаштирилмоқда. "ЎзЭксайд" қўшма корхонаси лойиҳа қийматининг бир қисмини қоплаб, қолган қисмига U.S. Bank of New York банкидан 4 миллион доллар кредит олди.

Шунингдек, АҚШ элчиси интернет тармоғига кириш ва ўқитиш бўйича марказ очилишида қатнашди. Ташриф ниҳоясида элчи Ғаллаорол туманидаги "Бахт" маҳалласида бўлди.

**"Туркистон-пресс"**



Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Садбарг" ҳунарманд ёшлар марказида 60 нафардан зиёд қиз-жувон зардўзлик сирларини ўрганмоқда. Улар тайёрлаётган бир-биридан чиройли портрет, зар чопону дўппилар нафақат маҳаллий аҳолига, балки Бухорои шарифга келган кўплаб хорижлик сайёҳларга ҳам манзур бўлмоқда.

**СУРАТДА: зардўз Маҳбуба Қосимова.**
**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# МУЛОҚОТ

***Яқинда таҳририятимизга Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Паркент туманидаги "Заркент" ширкат хўжалиги раҳбари Тожибой Ризаев, шунингдек Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, таниқли бастакор Дилором Омонуллаева, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти проректори, тарих фанлари номзоди, доцент Музаффар Комиловлар билан ижодий ходимларнинг учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувда "Қишлоқ ҳаёти" газетасида чоп этилаётган турли мавзулардаги мақолаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги ўрни хусусида таклифлар, мулоҳазалар ҳам билдирилди. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

***Маълумки, оловга эҳтиётсиз муомала қилиш, хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик, ёнғинга қарши чора-тадбирлар ижросига эътиборсизлик, бепарволик кўпинча ачинарли оқибатларга олиб келади.***

Эҳтиёт-шарт!

# БЕФАРҚЛИК ОҚИБАТИ

Ва бундай оқибатлар юзасидан келиб чиқадиган кўнгилсизликлардан уларнинг ўзлари жиддий зарар кўрмоқдалар. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг бошидан буён Тошкент шаҳрида 126 та ёнғин чиқиш ҳолати содир бўлиб, 3 нафар шахс ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бир нафари эса жиддий тан жароҳати олди.

Ушбу ёнғинлар асосан газ ва газ печларидан нотўғри фойдаланиш, носоз электр симлари ва электр симларининг қисқа туташуви, болалар шўхлиги ва маст ҳолда сигарет чекишлар оқибатида келиб чиққан.

Масалан, Сирғали тумани, Олчазор кўчасида жойлашган 127-хонадонда электр симларининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнғин туфайли уйнинг том қисмининг 100 квадрат метр майдони ёниб кул бўлган. Шунингдек, М.Улуғбек тумани, Сайрам-2 кўчаси , 6-хонадон ҳамда Ҳамза тумани, Латофат кўчаси 16-уйда яшовчилар ҳам тилсиз оловнинг жабрини кўрдилар.

Энг аянчли ҳол эса С.Раҳимов ва Чилонзор туманларида истиқомат қилувчи А.Мажидов ва В.Загорецлар билан рўй берди. Бу иккала фуқаро ҳам уйда маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолишади. Оқибатда ўчмай қолган сигарета қолдиғидан ўт чиқиб, ёнғин юзага келади. Ва уларнинг ўзлари ҳам ёнғин ичида қолиб кетишди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин кўриниб турибдики, ёнғин содир бўлишида хонадон эгаларининг ўзлари сабабчи бўлмоқдалар. Катталарнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг оддий рисоласига ҳам риоя этмаганликлари кўплаб кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқаради. Уйимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги, оиламиз фаровонлиги, болаларимизнинг соғлом келажаги ўзимизнинг қўлимиздалигини унутмаслигимиз лозим.

**Муслима РАҲИМОВА,**
**ИИББ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори.**

# ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚИССА

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

(Боши ўтган сонларда)

Онам ёнига ўтирган жувонга тушунтирди:

— Бунақада бола хуйли бўлиб қолади, қизим. Алдабсулдаб овутинг-да. Ана, ди-дитга тушдик.

Бола энди йиғламас, аммо ўпкаси тўлиб тўхтовсиз ҳиқиллар эди.

— Қаёққа кетаётган эдинглар, ўргилай? — деди онам аёлни ҳам юпатувчи оҳангда.

Мени она-боланинг қаёққа бориши эмас, ўриндиқнинг қанча жойи лойга белангани кўпроқ ўйлантирарди.

Аёл чимирилиб ўтирганимни сезди шекилли, хижолат чекиб шоша-пиша қўл силтади.

— Мана, келдик. Раҳмат. Шу ерда троллейбусга чиқамиз. — У овуниб қолган ўғилчасини кўтариб шоша-пиша машинадан тушди. — Катта раҳмат, барака топинглар.

Қарасам, худди ўзим ўйлагандек: ўриндиқнинг ярми лойга беланибди.

— Қизиқсиз, — дедим жаҳлимни босолмай, — ҳамманинг ишига аралашаверасизми?

— Нима ҳамманинг иши?

— Бировнинг боласи бўлса... Йиғласа, сизга нима? Йиғлаб-йиғлаб овунади.

— Нимага бировнинг боласи бўларкан! — Тўсатдан онамнинг жаҳли чиқиб кетди. — Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўладими? Уялмайсанми шунақа дегани? Йиғлаб турган норасидага раҳми келмаган одам — одамми?

Индамадим. Аммо бари бир ўшанда онамни ноҳақ ҳисоблаган эдим. Йўқ, чамамда, оналарнинг биз тушунмайдиган, бизнинг ўлчовимизга сиғмайдиган ўз олами борга ўхшайди.

## ХИЁНАТ

Ҳали мактабга қатнамасдим. Маҳалламиздан икки чақиримча нарида аллақандай болалар уйи бор эди. Катта болаларнинг айтишига қараганда, ўша ерда тез-тез кино бўлиб тураркан. Бир куни акаларим қўшни болалар билан пичир-пичир қилишаётганини эшитиб қолдим:

— Эшитдингларми, бугун кино келармиш.

— Уруш кино экан.

Акаларим кинога борса, мен қараб турармидим.

— Мен ҳам бораман, — дедим қайсарлик билан.

— Бўпти, борасан. Айтган ишларимизни ҳаммасини қилсанг, оборамиз.

Шу куни нима юмуш буюришса, оёғим олти, қўлим етти бўлиб югуриб юрдим. Ёнғоққа боғлаб қўйилган эчкини икки марта суғордим, ҳовлидаги супага тўшалган бўйра устига ёйилган туршакларни қуш таламасин деб қўриқлаб ўтирдим... Ҳатто рогаткамнинг резинкасини узиб, укамга иштонбоғ қилиш учун бердим.

Кечқурун қулоғимни динг қилиб турган эдим, кўчада қўшни болалар чақириб қолишди. Акаларимга эргашиб югурдим. Акамнинг Дамин деган ўртоғи мени кўриб сўради:

— Сен қаёққа?

— Кинога! — дедим ишонч билан.

Дамин ўйланиб қолди.

— Бўлмаса, ботинкангни кийиб чиқ, — деди оёғимга қараб.

Ҳаммамиз ялангоёқ эдик.

— Ботинкани нима қиламан?

— Девордан ошиб тушамиз, билдингми! — Бирдан Даминнинг жаҳли чиқиб кетди. — Қоровул қувласа, янтоқзордан қоча оласанми? Чоп, кийиб чиқ! Биз кутиб турамиз.

Отилиб ҳовлига кирдим.

Ойим чўнқайиб ўтириб, эчки соғаётган экан. Ўтирган жойида шу саратонда ботинка нимага керак бўлиб қолганини суриштирди.

— Керак! Керак! — дедим нафасим тиқилиб. Ойимнинг жавобини ҳам кутмай бостирмага югурдим. Эски лаш-лушлар қалашиб ётган сандиқни кавлаштириб, пошнаси қийшайиб кетган ботинкамнинг бир пойини топдим. Аксига олиб иккинчиси йўқ эди. Ҳаммаёқни ағдар-тунтар қилиб ташладим. Мана, ниҳоят иккинчиси ҳам топилди. Икки пой ботинкани икки қулимда ушлаганча кўчага чопдим. Чиқсам... Акаларим ҳам, болалар ҳам йўқ. Мени кутишга ваъда берган Дамин ҳаммани бошлаб кетганини тушундим. Ялангоёқ тупроқ сачратганча катта кўчага югурдим. Йўқ, ҳаммаёқ жимжит эди...

Ҳовлига қайтиб кирдиму ботинкаларни ерга улоқтирганча йиғлаб юбордим. Илгари ҳеч қачон бунақа алам билан йиғламаган бўлсам керак, ойим қўрқиб кетди.

— Нима бўлди? — деди тепамга келиб.

— Мени алдашди!

— Ким, нимага?

— Алдашди! Алдашди! — Бошқа гап айтолмасдан нуқул шу сўзларни қайтарар, ер тепиниб йиғлар эдим.

— Алдашди! Алдашди!

Ойим сут ҳиди анқиб турган қўллари билан пешонамни силади.

— Қўявер, ўғлим. Баъзан шунақаси ҳам бўп туради. — У бир зум жимиб қолди-да, секин қўшиб қўйди. — Фақат ўзинг бунақа қилмагин, хўпми?

...Тўртинчи синфда ўқиётганимда яна бир воқеа бўлди. Бир синфда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган ўртоғим бор эди. Унинг дадаси урушдан Қаҳрамон бўлиб келган, ўзининг оти ҳам Қаҳрамон эди. Отаси Қаҳрамон бўлгани учунми, ўқитувчилар уни яхши кўришарди. Мактабимиз ҳовлисида ёнғоқ кўп бўларди. Катта танаффусда ўқитувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ёнғоқ қоқардик. Фақат иссиқхона ёнидаги ёнғоққа кесак отишга ҳеч ким журъат қилмас, ойна синса, оқибати яхши бўлмаслигини билардик. Бир куни катта танаффусда Қаҳрамон ўша ёққа бошлаб қолди.

— Қуйсанг-чи, — дедим унинг қўлидан тортиб. — Теплицанинг ойнаси синади.

— Шунақа қўрқоқмисан! — Қаҳрамон кулди. — Бундай қиламиз. Сен қараб турасан. Мен қоқаман. Ўқитувчи кўриниб қолса, ҳуштак чаласан.

Ёнғоқ ҳеч қоқилмагани учун бўлса керак, ғуж-ғуж бўлиб ётарди. Қаҳрамон бир кесак отгандаёқ ўнтачаси дув этиб тўкилди. У икки чўнтагини тўлдириб олди-да, каттароқ кесакни олиб, яна отди. Бу сафар мўлжали хато кетди шекилли, қарс этган товуш эшитилди. Теплица ойнаси чил-чил синди. Нима бўлганини англаб етгунимча, Қаҳрамон лип этиб ғойиб бўлди. Шу пайт биров қўлимдан маҳкам ушлаб тортди. Қарасам, синф раҳбаримиз. Мактабдаги энг баджаҳл ўқитувчи шу эди. Қўрқиб кетдим.

— Нима қилдинг? — деб сўради у дарғазаб бўлиб.

— Ҳеч нима, — дедим товушим титраб.

У қўлимни қўйиб юбормай, судраб кетди. Ўқитувчилар хонасига олиб борса керак, деб баттар қўрқиб кетдим. Бироқ у идорага эмас, синфимизга етаклаб кирди. Қий-чув қилаётган болалар бир зумда жимиб қолишди. Ўқитувчи парталар орасидан етаклаб ўтиб мени доска олдига турғазиб қўйди. Секин Қаҳрамонга қарадим. Бегуноҳгина бўлиб деразага қараб ўтирибди.

— Ўртоқларингни олдида айт! — деди синф раҳбаримиз дона-дона қилиб. — Ҳозир нима қилдинг?

— Ҳеч нима, — дедим ерга қараб.

— Теплицани ким синдирди?

— Билмайман.

— Билмайсанми? — Ўқитувчи қаҳр билан овозини баландлатди. — Бўлмаса, Пушкин тош отдими?

Томоғимга бир нима тиқилиб турар, гапирсам йиғлаб юборишимни билар эдим.

— Ким?! — деди ўқитувчи баттар ғазабланиб. Лабимни тишлаганча бош чайқадим.

— Мана бу, — деди у бармоғини менга нуқиб, — қилғиликни қилиб қўйиб, тоняпти. — Унинг овози бирдан пасайди. — Болалар, унинг ёнғоққа тош отганини ҳеч ким кўрмадими?

- Илтижо билан ўртоқларимга қарадим. Ҳамма жим-жит эди.

— Сен-чи? — деди ўқитувчи овози товланиб. — Сен ҳам кўрмадингми, Қаҳрамон?

Қаҳрамон секин ўрнидан турди.

— Кўрдим, — деди минғиллаб. — Ўзи отди.

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Унинг нима деяётганини яхши эшитмасдим. Фақат битта гап қулоғим остида жаранглаб турарди: "Кўрдим, ўзи отди".

— Хайрият! — ўқитувчи бош силкиди. — Орангларда ҳеч бўлмаса битта мард бор экан. Ўтир. Қаҳрамон. — У менга юзланиб давом этди. — Сен ёлғончисан! Ёлғончи бўлганинг учун қўрқоқсан. Дадангга бориб айт, ҳозироқ ойнани жойига келтириб қўйсин.

Кўзимга ёш қуйилиб келар, бутун синфга, бутун мактабга эшиттириб ҳайқиргим келарди: "Мен эмас, ўзи отди, ўзи синдирди! Ишонмасанглар чўнтагини қаранглар!" Шундай дегим келарди-ю, негадир овозим чиқмасди. Синфдан отилиб чиқиб кетдим. Кўчага чиққандан кейингина йиғлаб юбордим. Уйга келиб энтика-энтика ҳаммасини ойимга айтиб бердим. Ойим бошимни силаганча, оҳиста юпатди:

— Қўявер, ўғлим. Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Фақат ўзинг унақа қилма. Кўрдингми, ёлғон гапиргани учун ўртоғингни ёмон кўряпсан. Агар ёлғон гапирсанг сениям ҳамма ёмон кўриб қолади.

...Студент эдим. Фариштадек гўзал, фариштадек покиза бир қизни севиб қолдим. Ой сутдек ёруғ нур сочган оқшомлари узоқ сайр қилардик. Бизнинг "ўз" хиёбонимиз, "ўз" анҳоримиз, "ўз" скамейкамиз бор эди. Кейин... негадир у мендан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Хаёл суради, кўзини яширади...

Айбим нималигини билолмасдим. Ҳасратимни энг яқин дўстимга айтардим. Дўстим билан танаффус пайтлари тўрт тийинлик студентлик сомсасини бўлишиб ердик. Пахтага, ҳашарга чиққанда, бир косада шўрва ичардик, бизникига келганида бир кўрпада ётардик. Дўстим онамни "ойи" деб атар эди. Ойим ҳам уни "бешинчи ўғлим", дерди. Шўндай қилиб, ҳамма сирларимни шу дўстимга айтардим. Дўстим ишнинг кўзини биладиган йигит эди. "Қўяверинг, — дерди у юпатиб, — қизларнинг шунақа ноз-фироғи бўлади. Нимага ноз қилаётганини ўзиям билмайди. Сиз индамай юраверинг, бир куни ўзи бош эгиб келади..." Дўстим тўғри айтарди. Мен энди оқшом сайллари ўрнига кутубхонада ўтирадиган бўлдим.

Имтиҳонлар яқинлашиб қолган эди. Бир куни қироатхона ёпилгунча ўтирдим. Кўчага чиқдиму ўша ўзимизнинг хиёбондан ўтгим келди. Илиқ ёз оқшоми эди. Осмонда тўлин ой покиза нур сочар, юлдузлар хушчақчақ порлар, боғ устида шабада шодон шивирлар эди. Сув бўйидаги ўзимизнинг скамейкага яқин келдим. Келдиму жуда таниш, жуда жарангдор кулгини эшитиб, таққа тўхтадим. Бу кулгини бир чақирим наридан ҳам танир эдим. Ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди. Худди ўша жойда, яқиндагина мен билан ўтирган скамейкада ўша қиз ўтирарди. Менинг ўрнимда эса... дўстим ўтирар, қизнинг елкасидан қучиб, кўксига тортар, қиз эса ундан ўзини олиб қочгандек бўлар, менинг бағримда қандай кулган бўлса, унинг қучоғида ҳам шундай ғамза билан жилпанглар эди... Одам бир йўла ҳам муҳаббатидан, ҳам дўстидан айрилиб қолса оғир бўларкан... Уйга қайтдиму ҳовли ўртасидаги супага мук тушиб ётиб олдим. Ҳозир ҳеч кимни, ҳатто онамни ҳам кўришга кўзим йўқ эди. Анча ётдим. Бир маҳал кўча эшик томонда дўстимнинг овози келди:

— Ассалому алайкум, ойи!

Ғазабдан бутун вужудим қалтирар, аммо ўрнимдан туролмас, ойимнинг у билан айланиб-ўргилаб кўришганини эшитиб ётар эдим.

Кейин унинг хушчақчақ товуши эшитилди:

— Ия, бизнинг ўртоққа нима бўлди?

Билмайман, сакраб туриб башарасига мушт туширдимми ё устимга эгилганида уриб юбордимми... Шуниси эсимдаки, у сўлаги сачраб кетган лабини артиб қандайдир ғайритабиий, беҳаё илжайди-да, индамасдан чиқиб кетди. Нарирокда ойим карахт бўлиб турарди. Негадир мадорим қуриб яна ётиб қолдим. Осмонда хоин ой кезар, беҳаё илжайганча ҳаром нурини сочар, хиёнаткор юлдузлар хоинларча кўз қисишар, хиёнаткор шамол хоинона қиқир-қиқир кулар эди.

Бир маҳал тепамга онам келди. Ўзимни ухлаётганга солиб кўзимни чирт юмиб олдим. У анчагача ёнимда ўтирди-ўтирдида, секин пичирлади:

— Қўявер, ўғлим, баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Фақат сен...

Гапининг давомини эшитмадим. Эшитишни хоҳламасдим ҳам. "Нима мен?! — дедим хаёлан хитоб қилиб. — Мен нима қилай? У кўзинг бу кўзингни ўяман деса, энг сирдош кишиларинг хиёнат қилса, дўстинг хиёнат қилса, нима қилиш керак?! Биров хиёнатни шунчаки касбга айлантириб олгани учун, биров ишини битириб олиш учун, биров ҳасад қилгани учун хиёнат қилаверадими? Шунинг учун бу дунёни ёлғончи дунё дейишадими? Ундай бўлса, яшашнинг нима маъниси қолди?! Қани айтинг, нимага ишониш керак, кимга ишониш керак?"

Юрагим гурсиллаб урганча хаёлан шундай деб ҳайқирдим. Бироқ вужудимни ўртаган саволларга жавоб тополмасдим. Онам эса жимгина пешонамни силаб ўтирар, қўллари билинар-билинмас титраётганини сезиб турардим. Шунда тўсатдан яна ёш болага айланиб қолдим. Ўшанда акамнинг ўртоғи алдаб кетганида, синфдош ўртоғим туҳмат қилганда... онамнинг юпатишларига овунгандек... Қалбимнинг зулмат босган қайсидир бурчагида ожиз, аммо ишончли бир нур йилт этди. "Онанг-чи, онанг ҳеч қачон хиёнат қилдими сенга! Бирон марта, ақалли бир марта хиёнат қилдими? Ҳар ким ҳар кимнинг кўзига чўп солиши мумкин, ҳар ким ҳар кимга хиёнат қилиши мумкин. Фақат она ўз боласига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Эҳтимол, инсон ҳаётининг шунча йиллардан буён давом этиб келаётгани шундандир".

Онамнинг билинар-билинмас титраб турган қўлларини тутдиму секин лабимга босдим.





Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатда ўқувчиларга етарлича таълим-тарбия бериш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Ҳозирги кунда ушбу мактабда 320 нафар ўқувчига 30 нафар малакали педагог турли тилларда сабоқ бериб келмоқда.

**СУРАТЛАРДА: 1. Ўқув ишлари бўйича директор муовини Гулчеҳра Маманбоева. 2. Мактаб-интернат ўқувчилари.**

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**ЯХШИ ХАБАРЛАР**

## ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

***Тошкент педагогика коллежида "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар тақдимоти, уларнинг мазмун-моҳияти бўйича таклиф-мулоҳазаларни ўрганиш" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Семинарда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида айни кунларда қилинаётган ишлар, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг узлуксизлигини таъминлаш,тарбиявий ва фанлараро алоқасини кучайтиришнинг долзарб масалалари, янги ёзилган ва нашрдан чиқиб ўқув масканларига етиб бораётган дарсликларнинг истиқболли томонлари ҳамда камчиликлари ҳақида фикр юритилди.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА**

## САХОВАТ

***"Наврўз" жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими фаоллари Яккабоғ туманидаги "Яккабоғ" ширкат хўжалигидан бир тоннадан кўпроқ сархил олма келтиришди.***

Сархил олмалар вилоят марказидаги шифохона, ҳарбий госпиталда даволанаётган беморлар, мактаб-интернат ўқувчилари, Қарши ва Қамашидаги "Меҳрибонлик уй"лари тарбияланувчилари, Яккабоғдаги Саховат уйида истиқомат қилаётган қарияларга тарқатилди.

***"Туркистон-пресс"***

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЯРИМ ФИНАЛ САРИ

***Ўтган куни "Пахтакор" марказий ўйингоҳида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси "D" гуруҳида чорак финал беллашувларининг 2-тур учрашувлари ўтказилди.***

Шуниси қувончлики, ушбу баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси "Пахтакор"га омад кулиб боқди. Аввалги турда Ироқнинг "Ал-Талаба" жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Эроннинг "Фирузи" клубига қарши майдонга тушган "Пахтакор"чилар чиройли, ҳужумкор ва тезкор ўйинлари билан мухлислар кўнглини шод этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу сафар "Пахтакор" мураббийлари асосан қарши ҳужум тактикасини қўллашди. Буни ҳужум чизиғида фақат биргина ҳужумчи, яъни, Крохмал билан ҳаракат қилинганидан ҳам билса бўлади. Ярим ҳимоя чизиғининг кучайтирилганлиги, ўзбек футболи юлдузи Миржалол Қосимовнинг майдонда эркин ҳаракат қилганлиги тошкентликлар ўйинига ўзгача жозиба бағишлади, дейиш мумкин. Чунки, "Пахтакор" ҳужумлари бу сафар меҳмонлар учун анчагина хавфли кечди. Ушбу ўйинда Миржалол Қосимов, Леонид Кошелев, Александр Крохмалларнинг бир-бирларини тушуниб ҳаракат қилишлари, охир-оқибат ўз самарасини берди. 24-дақиқа Миржалол Қосимов оширган бурчак тўпини Анвар Солиев боши билан рақиб дарвозасига йўллаб ҳисобни очди. Эронликлар эса ушбу голдан сўнг ҳужумни кучайтиришга ҳаракат қилишди. Айниқса, Ризо ал Жабборийнинг тошкентликлар дарвозаси томон бир неча бор хавфли вазиятлар уюштирганлигини айтиш жоиз. Аммо ҳар икки бўлимда ҳам Бахтиёр Ашурматов етакчилигидаги ҳимоячиларимиз ва дарвозабон Игнатий Нестеровлар ишончли ҳаракат қилишиб, тошкентликлар дарвозаси дахлсизлигини сақлашга муваффақ бўлишди. Хуллас, иккинчи бўлим тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, Анвар Солиев киритган ягона гол ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Қувончлиси шундаки, "Пахтакор" гуруҳнинг кучли жамоаси ҳисобланмиш "Фирузи"ни мағлуб этиб, кейинги босқич масаласини деярли ҳал этиб қўйди. Агар сўнгги учрашувда Ироқнинг "Ал-Талаба" клуби билан дуранг натижа қайд этилган тақдирда ҳам "Пахтакор" ярим финалга йўлланма олади. Ушбу вазифани эса спортчиларимиз уддалашади, деб умид қиламиз.

Шу куни ўтказилган Туркманистоннинг "Ниса" ва Ироқнинг "Ал-Талаба" жамоалари ўртасидаги баҳсда устунлик яққол ироқликлар тарафида бўлди. Дастлаб ироқлик Февзи Аҳмад Жуда 10-дақиқада "Ал-Талаба" ҳужумини самарали якунлаб, ҳисобни очган бўлса, 24 ва 30-дақиқаларда Юнус Маҳмуд Халиф туркманистонликлар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олиб, ўз жамоасининг 3:0 ҳисобидаги муҳим ғалабасини таъминлади. Шундай қилиб турнир жадвалида "Пахтакор" 6 очко жамғариб, карвонбошилик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларни "Ал-Талаба" ҳамда "Фирузи"лар эгаллаб туришибди. Икки учрашувда ҳам мағлубиятга учраган "Ниса" кейинги босқичга чиқиш имкониятини қўлдан бой берди. Бугун ўтказиладиган 3-тур учрашувларида "Пахтакор" – "Ал-Талаба" ҳамда "Ниса" – "Фирузи" ўзаро куч синашади.

## БАЙРАМГА ТАРАДДУД

***Ўзбекистон от спорти федерациясида ҳакамлар, мураббийлар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда от спорти бўйича Ўзбекистон чемпионатини ўтказиш ва жаҳон кубокларида иштирок этиш масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, йиғилишда қатнашганлар янгиланиш, яшариш айёми – Наврўз муносабати билан турли хил от спорти мусобақалари уюштиришга келишиб олдилар.

## ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

***Мамлакатимиз болалари орасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштириш мақсадида Юртбошимиз Фармонлари билан ўз фаолиятини бошлаган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ҳар бир вилоят, туманлар ҳудудларида мавжуд ўйингоҳларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.***

Хусусан, Самарқанд вилоятининг чекка туманларидан бири Пахтачида ширкат хўжаликлари раҳбарлари, ҳомийлар ёрдамида тумандаги футбол ўйингоҳлари қайта таъмирланади. Чунки тумандаги аҳолининг 51 минг 300 нафари ёшларни ташкил этади. Пахтачидаги мавжуд 263 та спорт иншоотларининг 202 таси таълим тизимига қарашли эканлигини ҳисобга олганда, бу борада қилиниши лозим бўлган ишларнинг салмоғи катта эканлигини англаш қийин эмас. Ҳозирда туман ёшлари учун 555 та спорт секциялари хизмат кўрсатаётганлигини англаб етган фаоллар, ҳомийларнинг нияти яқин йиллар ичида болажонлар учун замонавий ўйингоҳларни тухфа этиш. Дарвоқе, ҳозирча мактабларга спорт кийимлари, инвентарлар етказиб бериладиган бўлди.

Шунингдек, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 1-болалар боғчасида кичкинтойларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки боғчада тарбияланаётган 280 нафар кичкинтойнинг 80 нафарига миллий кураш ва таэквандо сирлари иқтидорли мураббийлар кўмагида ўргатилмоқда. Худди шунингдек, тумандаги 13-мактабда ҳомийлар ёрдамида спорт зали қурилиши бошлаб юборилди. Агар мазкур спорт иншооти фойдаланишга топширилса, ўқувчилар спортнинг бадиий гимнастика, қўл тўпи, футбол турлари билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратилади. Бу хайрли ишни болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳомийлар ёрдамида муваффақият билан амалга оширишади, деб ўйлаймиз.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

**ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ**

***Бурун шикастланиш оқибатида, жароҳатланганда, бурун бўшлиғига бирор ёт нарса кириб қолиб, шиллиқ парда зарарланганда қонайди. Одам қаттиқ тумов бўлиб қолиб йўталганда, аксирганда ҳам бурун қон томирлари шикастланиши мумкин. Бундан ташқари юқумли касалликларда, жигар, буйрак, юрак-томир тизими, гипертония касаллиги билан оғриётганларда ҳам бурун қонаши мумкин.***

## БУРУН НЕГА ҚОНАЙДИ?

Бурун қонаган заҳоти стул ёки курсига ўтириш, ёқа тугмасини ечиш, камарни бўшатиб қўйиш лозим. Бурун қонаганда бошни асло орқага эгиш мумкин эмас. Бундай қилганда қон тўхтамайди, аксинча одам беихтиёр қонни ютиб юбориб, кўнгли айнийди ва қайт қилади. Бурун қонаганда бошни тўғри тутиб туриш керак. Бурун катакларига қуруқ пахта ёки 3 фоизли водород пероксидига ҳўллаб қаншарга қўйса бўлади. 20-30 дақиқадан кейин бурунда қон тўхтамаса, "Тез ёрдам"ни чақириш лозим.

**Х.МАҲАМОВА тайёрлади.**

# ҲАЛОВАТ ОПАНИНГ ҚАНОАТИ

(Боши 1-бетда)

Бутифосга ўхшаш заҳарли дорилар бепоён далаларгагина эмас, бошимиз узра сепилгани айни ҳақиқат эди. Зеро, собиқ шўро тузумини эл-юрт, бутун бошли миллат тақдиридан кўра, унинг бойлиги, пахтаси кўпроқ қизиқтирарди.

-Ўша йиллари ҳар мавсумда 250-300 тоннага етказиб пахта терганман, - дея аччиқ хўрсиниш билан эслайди Ҳаловат Пирова. – Акам кўмаклашиб турардилар. Пахтани яхшилаб жойлаш учун терим машинаси бункери ичига тушардим. Нафасим бўғилиб кетарди.

Бутифос сепилган далаларга ўша дамлар юзлаб, минглаб ишчи кучи, техника жалб қилинар, энг катта бойлик – инсон саломатлиги эса сариқ чақага ҳам олинмасди. Ҳаловат опа ҳам ўзи билмаган, сезмаган ҳолда ана шундай "сариқ ажал" гирдобида қаторасига беш мавсум ишлади.

-Москвадаги докторлар қизимнинг ногиронлик сабабларини ана шундан деб топишди, - дея кўзига ёш олди опа. - Ўзингни ҳам, болангни ҳам шу ерда бир йил ичида даволаймиз, дейишди. Бироқ қўлимиз калталик қилди. Шу важдан ортга қайтдик.

Фалокат бир келмасин экан. Бу орада капалак ортидан қувиб юрган қизалоқлари Шаҳло билан Феруза ҳам бирин-кетин юролмай қолишди. Ҳаловат опа билан Аскар ака Омоновнинг кўнгилларига қил сиғмай бу дардга шифо излаб, ўзларини тўрт ёнга уришди. Оғилидаги сўнгги қорамолигача сотган Ҳаловат опанинг бормаган табиби, учрамаган доктори қолмади. Аммо нафи тегмади. Баъзи кишиларнинг маслаҳати билан оила олти марта турар-жойини ўзгартирди. Бироқ аҳвол яхши томонга ўзгармади. Энг ёмони... энг ёмони, 19 ёшли Садоқат, 13 ёшли Феруза бирин-кетин қазо қилди. Шўрлик она зор-зор қақшаб қолди. Уларнинг ўрнига мен ўлсам бўлмасмиди, дея фарёд чекди.

Кошкийди қисмат зарбаси шу билан ниҳоя топса. Яратгандан илтижо қилиб сўраб олгани – Умиджон ҳам олти ёшлигида шу дардга йўлиқди. Ҳозир ўн бир ёшга кирган Умиджон туман ижтимоий таъминот бўлими ажратган ногиронлик аравачасида мактабга қатнаяпти. Опанинг қизи Лайло Бухоро тиббиёт институтида шартнома асосида ўқияпти.Тўғри, оилага тумандагилар баҳоли қудрат ёрдам беришаётир.Опа қандай қаноат қилади.Нолимайди.Ҳалол ишлаб ризқ топади. Аммо ҳозир қарамоғида икки ногирон фарзанди бор онага осон тутиб бўлмайди. Бинобарин, тадбиркор, ўзига тўқ фуқаролар шу хонадонга ёрдам қўлини чўзишса, меҳр-мурувват кўрсатишса, азалий қадриятларимизга мос савоб ишни рўёбга чиқаришган бўлур эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТАБИАТ ИНТИҚОМ ОЛСА...

(Боши 1-бетда)

Олимларнинг таҳлилича, айнан табиатга, атроф-муҳитга эътиборсизлик натижасида 2060 йилга бориб бутун ер юзида сув тақчиллиги, вабо, тиф ва дизентерия каби касалликларнинг кенг тарқалиши сайёрамиз аҳолиси сонини кескин камайтириб юбориши мумкин экан...

Биринчилардан бўлиб инглиз олими Томас Малтос томонидан XVIII асрдаёқ ер юзидаги аҳоли сони озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан ошиб кетиши мумкинлиги тахмин қилинганди. Аммо унинг бу тахмини на ўз замонасида ва на ундан кейинги икки асрда рўй берди. Жаҳоннинг турли бурчакларида қирғинбарот жанглар, айниқса, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оқибатида ер юзидаги аҳоли сони ниҳоятда камайиб кетди. Аммо, XX асрнинг 60-70-йилларига келиб аҳоли ўсиш даражаси анча ошган бўлса-да, олимлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни талаб ва эҳтиёждан оширишга муваффақ бўлдилар.

Аммо бунга эришиш учун қилинган ҳаракатлар "яшил революция" даврини бошлаб берди. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларида кимёвий воситалар ва янги механизацияларни қўллаш кескин ортди. Оқибатда ҳосилдор ерлар камайди, экологик вазият сезиларли даражада бузилди. Жаҳон ресурслари институтининг маълумотларига қараганда, ҳосилдорликни ошириш мақсадида қишлоқ хўжалигида турли-туман атроф-муҳит учун зарарли технологияларнинг қўлланилиши заминни деярли яроқсиз ҳолга келтириб қўйди.

Ер юзида 6 миллиарддан ортиқ киши яшайди. Ер эса 9 миллиард кишинигина боқишга қодир, лекин узоқ вақт эмас. Демак, бундан кўриниб турибдики, вазият ниҳоятда тежамкорлик ва оқилона иш тутишни тақозо этмоқда. Шу жафокаш замин унда яшаётган ҳар бир инсоннинг парваришига, эътиборига муҳтож. Унинг ҳар бир заррасини авайлаб-асрашга, эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳар биримиз бурчлимиз.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42,.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8-369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар учун телефон: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-122, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6